

## БОБОЖОН ТАРРОХ АЗИЗОВ – ХОДИМ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ.

*“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси*

*“Ҳукмдор ва шоир” бўлими*

*бўлим мудури:*

**Тошпўлатова Дилфуза**

+998975287205

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хоразм хонлигида 47 йил ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз саройида фаолият юритиб ижод қилган шоир Бобожон Тарроҳ Азизовнинг ҳаёт фаолияти ва ижоди ёритилади.

**Калит сўзлар:** Лаффасий, Феруз, Абдуқодир Девон (Қонё), Бобожон Тарроҳ, „Хоразм навозандалари“ асар, Бобоҳон Муҳаммад Шариф

Бобожон Тарроҳ Азизов 1878 йили Хевада таваллуд топган. Шоирнинг аждодлари ҳам адабиётга меҳр қўйган кишилар бўлган. Унинг бобоси Абдуқодир Девон замонасининг таниқли ижодкорларидан бири эди. У «Қонё» таҳаллуси билан ижод этган. Қонё илмли киши бўлиб, Лаффасийнинг «Мажмуатуш шуаро» асарида Қонё тўғрисида бундай дейди:

**Қонёки қаноати, хушсухан,**

**Онинг фикри давомат илми фан.**

**Қи исми Исо Охун аннинг,**

**Адабиётда кўпдур жаҳди анинг.**

**Гоҳи мадрасада истиқомат қилиб,**

**Ғазал демакни анча одат қилиб.**

Шоирнинг катта бобоси, яъни Абдуқодир Девоннинг отаси Муҳаммад Назир Девон бўлса «Мунший» таҳаллуси билан ижод қилган қалам соҳибидир.

Шоирнинг отаси Абдулазиз Абдуқодир ўғли «Ходим» таҳаллуси остида шеърлар битган. Бироқ у эрта - 28 ёшида вафот этиб кетади. Боқувчисиз қолган оиланинг бошига огир кунлар тушади. Шунда шоирнинг тоғаси Машариф Тарроҳ жияни Бобожонни ўз тарбиясига олади.

Бобожон 7 ёшида бошланғич мактабга боради. Мактабдан сўнг 22 ёшгача мадрасада таълим олади. 15 ёшидан бошлаб шеърлар машқ этади ва отасининг тахаллусини ўзига олиб, «Ходим» тахаллуси билан ижод қилади (Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ходимнинг невариси Ливара Отамуротова ва чевараси Хиромон Юсуповалар ҳам шоира. Уларнинг шеърлари, мақолалари республика матбуотида чоп этиб турилади).

Ҳожимурод Лаффасийнинг (1880-1945) «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» асарида хоразмлик 51 шоир ҳақида маълумот беради<sup>1</sup>. Бу шоирлар орасида Бобожон Тарроҳ Азизов ҳам бор.

Лаффасий “Тазкираи шуаро” китобида Бобожон Тарроҳ ҳақида шундай дейди.

**Ходимийким, Бобожон девон эрур,**

**Китобатлиғда хуш хон эрур.**

**Қилиб истиқомат мадраса аро,**

**Давомат иши катобат аро.**

**Полдар онга бўлиб Абдулазиз,**

**Онинг ҳар бир шеъри жонга лазиз.**

Ходимийким Бобожон девон аҳволоти.

Ходимийким Бобожон тарроҳ девон домла Абдулазизнинг ўғли бўлиб, ул Хива мадрасасида истиқомат қилиб, илм талабаси бўлгон билан машҳур Муҳаммад Шариф тарроҳ девондин хат машқин қилиб, бир хили хушхат-хушнависат бўлиб, тоғоси Муҳаммад Шариф тарроҳ девоннинг воситаси билан Феруз Муҳаммад Раҳимхонга анчакли баёт, турлик девонлар ёзиб турадур. Шул муносабат билан Бобожон тарроҳ ҳам девон котиблар жумласидин бўлиб, Ферузга мақбули таъб бўлгани ҳолда, Ферузнинг фармони билан, ул дағи Ходимий тахаллус қилиб, шеър машқин қилиб анча абётлар ёзиб. Ходимий деб бир дона асар тасниф этадур. Аммо Ходимий андоғ маҳоратлиғ котиб бўладурки, Ходимийнинг қалам раҳшин варақлар даштига тезрафтор чобук сувор жавлонлар қилдурганин замона Арасту,

---

<sup>1</sup> Бегали Қосимов, Шариф Юсупов, Улуғбек Долимов, Шўхрат Ризаев, Суннат Аҳмедов “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” Тошкент. 2004 йил, 13,14-бет.

Афлотунлари кўриб, Ходимийнинг қалам суришига мусаллам қилиб томошо қилмоқдин кўзлар хира бўлур эрди.

Аммо Ходимий Феруз Муҳаммад Раҳимхон замонидин кейин Асфандиёрхоннинг замонида Ашур Маҳрамнинг воситаси билан биринчи бож, закот, хирожлар пирхот кассирлиғи<sup>2</sup> девони бўлиб ишлаб турадур. Аммо Асфандиёрхон замонидин кейин Ходимий Бобожон тарроҳ девон Хива мадрасаи араб Муҳаммадхонга истидо мутаваллиси бўлиб, мадраса талабаларининг расхотлари<sup>3</sup> унун деҳқон корандаларидин ғаллаларин келтириб бермоқ вазифасида ишлаб турадур. Аммо Ходимий 1920 йил Хивада Шўролар жумҳурияти барпо бўлгач, зироат ноziридаишлаб туриб, 1924 йил миллий бўлинмадин кейин Ходимий Тўрткўл (Қорақалпоғистон)да ҳизмат қилган<sup>4</sup>.

Бобожон Тарроҳнинг шеърлари Ферузга маъқул тушган. Бобожон Тарроҳнинг акаси ўрнига мирзо ва сарой шоирларига раҳбар этиб тайинланиши бежиз эмас. бу вазифада ун йил ишлаган. Шу боис кўрган-билганларини ишонарли қилиб ёзиб қолдирган.

Ходим котиб сифатида шоир ва таржимои Аҳмаджон Табибийнинг 490 саҳифалик «Ҳайратул ошиқин» («Ошиқларинг хайратланиши») номли девонини 1908 йилда, «Муниссул ушшоқ» («Ошиқларнинг дўсти») девонини 1909 йилда маҳорат билан настаълик хатида кўчирган. Мазкур девон 1910 йилда Хева тошбосмасида чоп этилади. У таржимон сифатида моҳир тиб олими Юсуфийнинг «Фойдалар мажмуаси» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Қуйидагилар еса, шоирнинг ўз шеърларидан тузилган девондир:

I. 906 – рақамли девон.

II 901 – рақамли девон.

III. 1142 – рақамли девон.

---

<sup>2</sup> яъни приходной кассир (киримлар бўйича хазиначи).

<sup>3</sup> расход - харажат.

<sup>4</sup> Лаффасий "Тазкираи шуаро" Урганч. 1992 йил, 77-бет.

Шоир Тарроҳ бошқа шоирларнинг шеърларидан тузилган девонларни кўчирган, улар Тошкентда Шарқшунослик инситути фондида сақланмоқда. Қуйида улар билан танишинг:

1. I – 1231 – қўлёзма.
2. II – 204 – қўлёзма
3. III- 3460 – қўлёзма
4. IV – 911 – қўлёзма
5. V – 1192 – қўлёзма
6. VI – 1119 – қўлёзма (Феруз девони).

Шоирнинг машҳур асари: „Хоразм навозандалари“ асари унинг энг ва шох асаридир. XIX аср охири – XX аср бошларида Сайинд Муҳаммад Раҳимхони соний даврида яшаган шоирлар ҳақида эсдаликлар. Ходим бу асарида ҳар бир шоир ҳақида фикр юритар экан, 12 та саволдан иборат рўйхат тузиб олади. Ва шу асосда шоирлар ҳаёти ва ижодини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилади.

Бобоҳон Муҳаммад Шариф Бобожон Тарроҳ Азизовнинг «Хоразм навозандалари» асари ҳақида шундай дейди: Бобожон Тарроҳ Азизов - Ходимнинг «Хоразм навозандалари» асари адабиёт ва санъат аҳли ўртасида анчадан бери маълум ва машҳурдир. «Хоразм навозандалари ёзилиши ва сақлаб келиниши ҳам адабиёт муҳибларининг хизматидир. Муаллифнинг ўзи айтганидек, уни бу ишга адабиёт ва санъат ихлосманди, математика тарихига оид асарлар муаллифи Халил Сиддиқов ундаган. Зеро, Бобожон Тарроҳ қирқ етти йилдан ошиқ юрт сўраган, олим ва фозил, адабиёт ва санъат ҳомийси Муҳаммад Раҳимхон иккинчи Феруз саройида ўн йил ишлаган, хон топшириги билан шоирларга раҳбарлик қилган, шу адабий муҳитнинг ичида «қайнаган», хоннинг меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам кўрган инсондир.

Муаллиф вафотидан сўнг қўлёзма Халил Сиддиқовда сақланган. У кейинчалик дўсти Раҳим Назарийнинг ўғли Давлатёр адабиётга қизиқишидан хабар топиб, қўлёзмани унга берган. Шу тариқа. адабиётимиз фидойиларидан бўлган, Феруз ҳақидаги илк тадқиқоти билан тилга тушган Давлатер Раҳим яна бир хайрли ишга қўл уриб, «Хоразм навозандалари»ни нашрга тайёрлади.

Бобожон Тарроҳнинг бу китоби XIX аср охири XX аср бошларида Хоразм адабий муҳитида яшаб нжод этган ва кўпчилиги бугунга қадар китобхонга номаълум бўлган шоирлар, Феруз ва унинг фаолияти ўша давр адабий-ижтимоий ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи асардир. Китобда хон ҳимоясида бўлган сарой шоирларининг ижтимоий келиб чиқиши, хулқ-атвори, тақдири тўғрисида сўз юритилади, муаллиф улар ижодидан намуналар ҳам келтирганида асарнинг қиммати янада ошган бўлурди, афсуски, объектив сабабларга кўра у бунинг иложини топмаган. Хотиралардан (шунингдек, бошқа тарихий манбалардан) маълум бўлишича, Феруз адабиёт ва санъат аҳлининг бошини силаб, ҳолидан хабардор бўлиб турган. ижодни рағбатлантирган, Хон саройига жалб этилган шоирлар моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилган, ялқовлари, истеъдодини хор этганлари қилмишига яраша жазоланган ҳам. Ферузнинг бирор куни навосиз ва назмсиз ўтмаган. Фозил хон Россия асоратига тушган халқнинг ўзлигини маънавий орқали сақлаб қолишга интилган. Зеро руҳан кучли одамни синдириб бўлмайди, руҳан синган одамни жисман синдириш ниҳоятда осон. Бугун халқимиз Ферузни эъзозлаб, ёд этаётгани бежиз эмас. Бобожон Тарроҳ бошқа шоирлар қаторида Ферузнинг адабиётга қизиқишининггина эмас мусиқага муносабатини ҳам ёритган. Кези келганда, бошқа хонлардан фарқли ўлароқ, Феруз ўзбек санъаткорлари зумрасини яратиш, тарбиялаш тўғрисида айрича ғамхўрлик қилганини алоҳида айтмоқ керак, Холбуки, масалан, Бухоро саройида кўпроқ бошқа миллатга, хусусан, яхудий миллатига манауб санъаткорлар рағбатлантирилган, ўзбек санъаткорларига мусиқа эшиклари кенг очилмаган, Феруз том маънода тараққийпарвар давлат арбоби эди.

«Хоразм навозандалари» ўша давр Хоразм адабий-маънавий муҳитининг ўзига хос томонларини кенг ёритиши билан ҳам қимматлидир. Зеро XIX аср иккинчи ярми, XX аср бошидаги Қўқон, Бухоро ёхуд Тошкент адабий муҳити ҳақида кўп ва кенг маълумотлар мавжуд, бироқ Хоразм адабий муҳити тўғрисида

маълумотлар ниҳоятда кам эди. Ушбу асар ана шу кемтикни тўлдириб, тасаввуримизни бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир<sup>5</sup>.

Мен бу китобни ёшим тўқсон бешга кирганда, қариллик чоғимда ёздим. Октябр инқилобидан кейин ўзимнинг олдинги ёзган шеърларимни йиғиш билан кўп шуғулландим. Лекин уларнинг ҳаммасини тўплай олмадим. Шу сабабли шеърларимни йиғиб, тўплам қилиш менга муяссар бўлмади.

Шу туфайли сиқилиб, хафа бўлиб юрган чоғларимда хоразмлик олимлардан Халилулло Сиддиқов менга мана шундай эсдалик китобчани ёзишин маслаҳат берди. «Агар сиз шундай асарни ёзиб тамом қила олсангиз, сиздан кейинги авлодларга энг яхши хотира бўлади», деб мендан илтимос қилди, Ана шу илтимос бўйича мен бу китобни ёза бошладим ва бу китобимга «Хоразм навозандалари» номини қўйдим.

Ҳасанмурод қори ва бошқалар ҳам менинг бу китобим каби китоблар битганлар. Бироқ мен уларни ўқий олмадим. Шу сабабли мен ёзган китоб билан улар ўртасидаги фарқ менга маълум эмас. Менким, Хоразмда XIX асрда, Муҳаммад Раҳим иккинчи даврида шоирларнинг ўттиз бир нафаридан бири бўлган Бобожон Тарроҳ Ходим, хон замонида ижодий иш билан машғул бўлдим ва шу даврда бўлгон бутун шоирларнинг назмларини Муҳаммад иккинчига ўқиб берар ҳамда нашр қилишга ёрдам берар эдим. Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг буйруғи орқали шу шоирларнинг назорати ҳам менга топширилган эли. Уттиз бир нафар шоирнинг бутун аҳволи менга маълум бўлғони учун бу баёнотларни ўз қўлим, ўз фикрим билан ёзиб ўз қаламим билан битиб, сарҳадиға еткурдим, деб тубанда қўлимни қўяман: Бобожон Тарроҳ Ходим Абдул Азиз ўғли<sup>6</sup>.

Ҳар бир шоир ҳақида қуйидаги саволлар бўйича жавоб берилади.

Шоирнинг ўз номи ҳам отасининг номи. Шоирнинг адабий номи.

Шоирнинг туғилган жойи.

Шоирнинг ижтимоий аҳволи.

---

<sup>5</sup> Бобожон Тарроҳ “Хоразм навозандалари”. Тошкент 1994 йил, 6-бет

<sup>6</sup> Бобожон Тарроҳ “Хоразм навозандалари”. Тошкент 1994 йил, 8-бет

Шоирнинг илмий даражаси.

Шоир девон тартиб берганми?

Шоир мансабдор бўлганми? Халқ билан алоқаси қандай бўлган?

Неча ёшдан шоирлик билан шуғулланган?

Шуғулланишига сабаб нима бўлган? Шоир соз илмидан хабардор бўлганми ё йўқми?

Шоирнинг ахлоқий томонлари. Шоир неча ёшда вафот этган?

Шоирнинг жасади қайси қабристонга қўйилган?

Ушбу рисоладан Феруз саройида шоирларнинг раҳбари, девонлик вазифасида ишлаган Бобожон Тарроҳ Ходимнинг хотиралари ўрин олган. Уттиз бир сарой шоирининг ҳаёти, ижоди, ижтимоий фаолияти ҳақида мухтасар ва бой маълумот берувчи бу китоб ғоят қимматли манбадир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Барча томлари. Тошкент.
2. Лаффасий. Тазкираи шуаро.
3. Абдулла болтаев. Хива тарихий эсдаликлари. Қўлёзма
4. Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим. Хоразм навозандалари. “Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1994 й.
5. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. “Камалак”, Тошкент. 1991.
6. Абдуллаев К. Нақшларга битилган умр. Т., 1995.
7. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул “Феруз”2011 йил.
8. Абдурасулов А. Хива. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
9. Комилжон Худойбергано. “Хива хонлари шажараси”. Хива 1996 й.
10. “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” Тошкент 2010 й.
11. Д.Бобожонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” Хива. 2009й.